



ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛ
ТАРАҚҚИЁТ ЙУЛИ ВА ИЖТИМОИЙ-
ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР ЯНГИЛАНИШИ

II ҚИСМ

Ёш олимлар илмий конференцияси
материаллари

Тошкент-2011

Абжалова М. – 2-курс магистранти
Тошимов Р.Ю. – доцент, Ўзбекистон Миллий университети

МАТИЛАРНИ ЛИНГВИСТИК ТАҲРИРЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

Тил – ижтимоий ходиса. Тилнинг ижтимоийлигидан келиб чикиб, фан-техника жадал равишда ривожланаётган бир пайтда ривожланган давлатларда миллий тилни ривожлантириш, оптималь кўринишга келтириш, формаллаштириш борасида самарали ишлар килинмоқда. Жумладан, Socrat, “AABBYY Lingvo” каби электрон лугатларининг яратилиши кўпчилик учун қувонарли ҳол бўлди. Ушбу лугатлар кундан кунга сайкалланиб, ҳатто уларнинг кейинги, бойитилган варианatlари ҳам ишлаб чиқилди. Бутун дунёга танилган, ўз фойдаланувчиларига вактни тежашда, самарадорликка эришишларида ёрдам берувчи “AABBYY Lingvo”да инглиз, испан, хитой, рус, француз, турк, итальян, немис, лотин ва украин тилларининг лексик бойлиги жамланган. Бугунги кунда ўзбек тилининг дунё миқёсидаги ахамиятини ошириш ва бошқа дунё тиллари каторига кўшиш учун бир катор лингвистик масалаларни ҳал этиш тилшунослар олдидаги мухим вазифалардан бири хисобланади. Шундай вазифалардан бири ўзбекча матиларни компьютер воситасида таҳрир килувчи дастурнинг лингвистик мезонларини ишлаб чиқишидир.

Лингвистик таҳрирлаш (корректура) – турли кўринишдаги (илмий, бадиий, публицистик ва расмий услублардаги) матиларнинг орфографик, грамматик, стилистик ҳамда мантикий курилишдаги хатоларини тўғрилаш демакдир. Матиларни таҳрирлаш икки усулда амалга оширилади:

1. Инсон томонидан матиларнинг таҳрирланиши (мухаррирлик иши).
2. Компьютер воситасида таҳрирлаш (автоматик таҳрир).

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳар икки ҳолатда ҳам мутахассиснинг фаолияти (кобилият, темперамент, характер, иродавий сифатлар, ижтимоий ҳолати) мухим ахамиятга эга. Мухаррир матиларни бевосита таҳрир килади, автоматик таҳрирда эса тилшунос билвосита катнашади, яъни таҳрирлаш дастурнинг лингвистик базасини яратиб беради.

Бугунги кунда тилшунос ўзининг индивидуал психологик хусусиятларини, кобилияти ва малакасини инновацион технологиялар воситасида намоён эта билса, унинг максадли характеристика ўз самарасини беради. Инсон фаолиятида билиш жараёнлари (сезги, идрок, дикқат, тафаккур, хотира, нутқ) мухим аҳамиятга эга.

Кўп холларда идрокимиз таркибиغا ўтмишдаги тажриба билан бирга ҳаёл тасавурлари ҳам киради. Идрокнинг мазмуни баъзан идрок килинаётган объектнинг ўзига караганда кенгрок, бойрок бўлади. Масалан, биз уй ичida гуриб, киров босган дераза ойнасига карасак, одатда, киров аллақандай тропик ўрмон ва гулларга ўхшаб кўринади. Масалан, уй сўзига

кўшимчалар комбинациясини биритиришда асос +лугавий шакл ясовчи кўшимча +синтактик шакл ясовчи кўшимча тартибига амал қилинади ва куйидаги кетма-кетлик ҳосил қилинади:

Уй+даги
Уй+даги+лар
Уй+даги+лар+га
Уй+даги+лар+га+ми
Уй+даги+лар+им
Уй+даги+лар+им+ни+ми
Уй+даги+ни+ми
Уй+даги+лар+нинг
Уй+даги+лар+нинг+ми
Уй+даги+ми
Уй+даги+ни...

Жами 5000 га яқин кўшимчалар комбинациясини ҳосил қилиш жараёнида мутахассиснинг идрок килиш механизми физиологик жиҳатдан толиқади. Натижада, уй+даги+лар+им+даги+лар+им+ми тузилмасини тўгри, деб ҳисоблайди.

Агар идрок килаётган бирон нарса ёки ҳодиса янги ёхуд номаълум бўлса, бизда дарров фикр фаолияти бошланиб, “бу нима?”, “бунинг номи нима?”, “бу кандай ҳодиса?” деган саволлар туғилади. Бу хол ҳам идрок жараёнида тафаккурнинг иштирокини кўрсатади.

Диккат ёрдамида онгимиз ўзимиз учун аҳамиятли бўлган нарсалар, ҳодисалар, предметлар моҳиятига каратилади, яъни диккат – онгнинг йўналганилигини тушунтирувчи психик жараёндир. Диккат бизга айни вактда керак бўлган обьектни шу турфа обьектлар орасидан ажратиб, уни ўрганиш ёки танишишга имкон беради.

Матнни таҳrir килиш жараёнидаги шахс фаолияти куйидаги босқичларда намоён бўлади:

Матнни ўқиш ва ундаги номувофикликларни аниклаш:

- имло хатоларини топиш;
- пунктацион хатоларни ажратиш;
- услубий номувофикликларни аниклаш;
- паронимларни нотўгри кўллаш ҳолатларини белгилаш;
- синонимлардан нотўгри фойдаланиш;
- мантикий номувофикликларни аниклаш ва унинг сабабларини белгилаш.

2. Матндаги нуксоњларни тузатиш ва мукобил вариантлар топиш.

Психологик омиллар матнни услубий ва мантикий нуктаи назардан таҳrir килишда кўпроқ намоён бўлади.

Психологик омиллар матннинг илмий ёки бадиийлиги, катта ёки қичикилиги, кандай шахс томонидан қайси вазиятда айтилганига караб турли даражада иштирок этади.

Автоматик таҳрирда психологияк омилларни эътиборга олиш имконияти нисбатан камрок. Аммо автоматик таҳрир дастурини тузиша сўзларнинг услугуба ғалабига мос келувчи бир неча вариантини мақсадга мувофик.

Матнни механик тарзда (кўлда) таҳрир килишда ҳам, автоматик таҳрирда ҳам муҳарирнинг тайёрлик даражаси мухимдир. Автоматик таҳрир техника томонидан амалга оширилса ҳам, уни инсон бошкаради. Тайёр дастурни буйруқка киритиш, улардан фойдаланишда инсон омили мухим ўрин тутади. Шундай экан, матннинг тўлик, мукаммал таҳририни амалга ошириш учун куйидагилар талаб килинади:

- Шахснинг руҳий тайёrlиги. Кайфияти меъёрда, хотиржам, безовталиқдан йирок бўлиши. Шахс руҳан хотиржам бўлмас экан, матннинг нуксонларни кўз билан кўрса ҳам, илгай олмайди.
- Шахснинг ақлий жиҳатдан тайёrlиги. Шахс ақли такомили меъёрида бўлмаса, у хатоларни англашда мукаммаликка эриша олмайди.
- Шахснинг билим кўнималари ва малакага эга бўлиши. Шахс имло коидалари, тиниш белгиларининг қўлланиши, синоним, паронимларнинг мазмун-моҳити хақида муайян тўғри фойдаланиш борасида маълум даражадаги малакага эга бўлиши лозим.
- Шахс идрокининг теранлиги. Шахс ҳар канча билимли, ақли бўлмаса, матнни идрок этиш, вокеликни хис килиш даражаси меъёрида шаклланмаган бўлса, мақсадига тўлик эришуви эҳтимоллигича колади.
- Шахснинг психологик тайёrlиги ва дикқатни жамлаш. Шахс ўз олдига қўйилган вазифани бажаришга психологик жиҳатдан мосланган бўлиши, атрофдаги вокеликка чалғимаслиги ва дикқатини жамлай билниши лозим.

Кўринадики, матн таҳририни амалга оширишда, мақсадга тўлик эришишда ва матнни мукаммал кўринишга келтиришда психологик омилларнинг аҳамияти катта. Буни ҳар бир муҳаррир (корректор) эътиборга олиши лозим.